

ГЛОБАЛ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШ ШАРОИТИДИ ПОМИДОР ЭКСПОРТИГА  
САЛБИЙ ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Хайдаров Жаҳонгир Абдурахмонович

Умматова Манзура Якубовна

*Кўйқон озиқ-овқат саноати ва хизмат кўрсатилиши техникуми маҳсус фан  
ўқитувчилари*

**Аннотация:** Ҳозирги даврда жуда долзарб бўлган озиқ-овқат хавфсизлигини олдини олиш учун замонавий иссиқхоналарда сабзавот етиширишидаги муаммо ва камчиликлар очиб берилган. Ўзининг холосаларида айтиб ўтилган таклифлари жуда ўринлидир. Дунёда озиқ-овқат етиши маслик муаммоларини бартараф этишида замонавий иссиқхоналарни ўрни бекёёс деб ҳисоблайман. Аҳоли турмуши даражасини изчил амалга ошириши ўйларидан бири, аҳоли эҳтиёжини ийл бўйи янги сабзавот маҳсулотлари билан қондиришидир. Аҳолини узлуксиз равишда сабзавотлар билан таъминлашда иссиқхоналарнинг аҳамияти каттадир. Шунинг учун ҳозирги кунда мамлакатимизда иссиқхоналар майдонини кенгайтишига катта аҳамият берилмоқда.

**Калит сўзлар:** қишлоқ хўжалиги, помидор, иссиқхона, зааркунанда, экология, ҳашорот, касаллик, гидропоника, бегона ўтлар.

Қишлоқ хўжалик экинларини ҳимоя қилиш соҳасида катта ютуқларга эришилганлигига қарамай ҳали ҳам ҳосилни зааркунанда ва касалликлар таъсиридан кўп қисми нобуд бўлмоқда. Жаҳон адабиётдаги маълумотларга кўра қишлоқ хўжалик экинларида 70 мингдан ортиқ турдаги ҳашарот ва каналар туркумига мансуб зааркунанда организмлар учрайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қошидаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат масалалари билан шуғулланувчи ташкилот ФАО маълумотига қараганда жаҳонда зааркунанда, касалликлар ва бегона ўтлар сабабли ҳар йили ҳосилнинг 30-35 фоизи нобуд бўлмоқда.

Жаҳонда заарли организмлар таъсирида 300 млрд. АҚШ доллари миқдорида ҳосил йўқотилиб, ўсимликшуносликда етиширилаётган ялпи маҳсулотнинг 40% нобуд бўлмоқда. Россияда бу кўрсаткич 12-15 млрд. долларни ташкил этади.

2020 йилда бутун дунёда бўлган пандемия карантинда барча саноат корхоналари иш фаолиятини тўхтатганда ер шаридаги заҳарли газлар бироз бўлсада камайганлиги, ер шари ўзини оз бўлса ҳам тозалаб олганлиги сабабли баъзи давлатларда сув тошқинлари, тўфонлар кузатилди. Бу глобал иқлим ўзгаришига уз таъсирини қўрсатди. Натижада заарли организмлар 2020-2021 йилларда кам ҳолларда учради.

Маълумки, мамлакатда етиштириладиган озиқ-овқат экинларининг аҳволи, истиқболи ва турлари, улардан олинадиган ҳосилнинг мазали таъми ва фойдали хусусиятлари, уларнинг миллий иқтисодиёт ва экспортда тутадиган ўрни, кимёвий пестицидлардан ҳоли, биринчи навбатда, шу давлатнинг географик жойлашуви, унинг тупроқ-иқлим шароитига ва албатта шаклланган дехқончилик маданияти ва савиясига, муайян маҳсулотни етиштириш маҳоратига, бундай маҳсулотларнинг маҳаллий ва хорижий бозорларда нечоғлик харидоргир бўлишига боғлиқ.

Республикамиз қишлоқ хўжалигидағи иссиқхоналарда сабзавот маҳсулотларини етиштириш юкори суръатлар билан ривожланмоқда. Ҳозирда иссиқхоналар майдони 9000 гектардан ошган бўлиб, ҳар хил конструкцияли иссиқхоналарнинг йиллик ўсиши 100-150 гектарни ташкил этмоқда. Мамлакатимизда 600 гектар ойнаванд, 5000 гектардан кўпроқ иситиладиган ва иситилмайдиган плёнкали (хитой технологияси) иссиқхоналар мавжуд. Бундан ташқари Корея технологияси асосида қурилган икки қаватли плёнка билан ёпилган, ҳаво билан иситиладиган ва замонавий Голландия, Исройл технологиялари асосида ишлайдиган кичик ҳажм озуқа субстратида гидропоникали иссиқхоналар мавжуд.

Бугунги кунда бир гектар майдондаги ойнаванд иссиқхоналарни қуриш учун харажатлар 1,0-1,1 млн. АҚШ долларини, плёнкали иситиладиганлар учун 350-400 минг АҚШ долларини, Хитой технологияси асосида қурилаётганлар учун 80,0-100,0 минг АҚШ долларини, Жанубий корея технологияси асосида икки қаватли плёнкали учун 300-350 минг АҚШ долларини ва замонавий кичик ҳажм майдондаги ва гидропоникали иссиқхоналар учун 1,6-2 млн. АҚШ долларини талаб этади.

Фаргона вилоятининг Данфара туманида жойлашган замонавий иссиқхоналарда 2023 йил ҳосили учун март ойининг 10-15 санасида помидор кўчатлари экилган бўлиб, ҳозирги кунда Республиказнинг ички бозорларини сарҳил сабзавотлар билан таъминлаб келмоқда.

Россия ва қўшни Республикаларга ҳам 150-200 тонна маҳсулотлар экспорт қилинди. Заараркунандалар ва касалликларга қарши курашда турли усуслардан фойдаланилди. 2022 йилда помидор куяси ҳаддан зиёд бўлганлигини инобатга олиб қишида иссиқхона фаолиятини вақтинча тўхтатиб туриш ва помидор куяни йўқотиш учун тупроққа бостириб икки марта қишида яхоб суви берилди. Яхоб сувини фойдаси жуда самарали бўлганлиги помидор куяси сезиларли даражада камайди. Март ойида иссиқхонага ўрнатилган ферамон тутқичларда 2-3 донадан ортиқ помидор куяси илинмади. Қолган заараркунандаларга қарши трихограмма 2-3 грамдан 8-10-15 кун оралатиб тарқатилди. Натижада иссиқхонадаги заараркунандалар буткул тутатилди.

Баҳор фаслининг инжиқ бўлиши 2023 йилдаги заараркунандаларга албатта ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Иқлимининг гоҳ иссиқ бўлиши, гоҳида совуқ бўлиши заараркунандаларни табиатда кўпайишини бир оз чеклади десам муболага бўлмайди.

Глобал иқлим ўзгариши ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Очик жойларда ёз фаслида ҳавонинг  $40^{\circ}\text{C}$  дан ортиб кетиши зааркундаларнинг ўзларини салқин ва нам жойга кўчишларига ёки намлик юқори бўлган иссиқхоналарга кириб олишига сабаб бўлмоқда. Натижада иссиқхоналарда зааркунанда биомассасининг ҳаддан зиёд ортиб кетишига ёки ўсимликларнинг заарлариниши юқорилаб кетиши олиб келмоқда.

2022 йилдаги аномал иссиқ даврда очик майдондаги помидордаги зааркундалар кузатилганда улар иссиққа чидамлилиги ортиб борётганлигини кўрсатди.  $40\text{-}45^{\circ}\text{C}$  ҳароратда ҳам помидор куяси личинкалари озиқланишдан тўхтамади. Иссиқхона ичидаги помидор куяси личинкалари ҳам ҳарорат қанча юқориламасин озиқланишдан тўхтамади. Аммо шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, зааркунанда имагоси иссиқ ҳароратда ўзини панага олиши аниқланди. Ташқи муҳитдаги помидор куя имагоси имкон даражасида ўзини иссиқхонага киришга уриниши аниқланди.

Республикамида экологик тоза сабзавот етиштириш ва уни чет давлатларга экспорт қилиш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга қаратилган бир қатор чоратадбирлар ишлаб чиқилишига қарамай помидорни экспорт қилинишига тўқсиянилк қилаётган зааркунанда помидор куяси ва вирусли касаллиги жигарранг барг бужмайиш (*tomato brown rugose fruit virus*) вирусли касалликлар ҳанузгача иссиқхоналарда учраб турипти.

Очиқ дала майдонларида экологик тоза сабзавот етиштириш амри маҳол, аммо иссиқхоналарда экологик тоза сабзавот етиштириш имконияти мавжуд. Иссиқхоналарда кимёвий препарат ишлатмасдан туриб ҳам сабзавот етиштирса бўлади. Шунда сабзавотда заҳарлилик (инсектицид қолдиқ) даражаси меъёрдан анча паст бўлади. Ўзбекистон аҳолиси ички бозорда экологик тозза маҳсулотни фарқига бормаслиги ажабланарлидир, бозорга тушган одам маҳсулотни рангига ва нарҳини арzonлигига қараб помидор ҳарид қиласди. Помидордаги инсектицид қолдиғи уни сира қизиқтиромайди. Фарзандларини захарланаётганлиги ҳеч кимнинг ҳаёлига келмайди. Ҳаттоқи доим бозорга борсам одамларни кузатаман; биронта одам сабзавот ҳарид қилаётганда сабзавотларни фитосанитар сертификатини сўрамайди. Сотувчилардан ўзим қизиқиб сўраганимда эса уларни саволимдан ажабланганлигини кўрдим.

Помидор куяси очик дала ва иссиқхонадаги помидор, картошка, бақлажон, қалампир ва бошқа экинларга заар келтиради. Помидор куяси ўсимликтининг ўсув нуқтаси, барги, пояси, гули ва меваларини заарлайди. Унинг личинкалари барг пластинкаси оралиғида озиқланиб, ғовак қиласди, натижада беўхшов доғлар пайдо бўлиб, баргнинг қуришига олиб келади. Помидор куяси меваларнинг эт қисмини заарлаб, унинг товарлилик хусусиятини йўқотади ва унда замбуруғ ҳамда бактериялар ривожига шароит яратади. Куюга қарши ўз вақтида курашилмаса, ҳосилни 80-100 фоизгача нобуд қиласди.

Помидор күяси илк бор 1917 йилда Перу давлатида аниқланган. Бу зааркунанда республикамизда 2015 йилда Навоий, Бухоро ва Тошкент вилоятлари ҳамда Фарғона водийсининг айрим иссиқхоналарида ҳамда очик даладаги сабзавот (помидор) экинларида учраган, 2016 йилда эса барча вилоятларнинг сабзавотга ихтисослашган хўжаликларда тарқалганлиги кузатилди.

Помидор күясининг капалаги кичкина, оч қулранг тусли бўлади. Тинч ҳолатда турганда иккала қаноти елкасига йиғилади. Олдинги қанотларининг катталиги 8–10 мм узунликда бўлади. Капалакнинг қўнғир ёки кумушсимон, олд қанотларида характерли қора доғлар бўлиб, мўйловлари ипсимон (тасбехсимон). Зааркунанданинг олд қанотларида кумушсимон-қулранг тангачалари ҳамда ўзига хос қора доғлари бўлиши уни аниқлаш учун ҳисобга олинадиган энг муҳим белгилардан ҳисобланади. Капалаги асосан кечқурун ҳаракатланади, кундузи эса ўсимлик баргининг орқа қисмida жойлашиб олади. Жуда сезгир бўлиб, ўсимлик озгина силкитилса ҳам тезда ён-атрофга қараб учиб кетади. Урғочи зотлари 10–15, эркаги эса 6–7 кун яшайди.

Урғочи капалак асосан ўсимлик баргининг остки, устки ва ўсув нуқталарига, айрим пайтларда эса тупроққа тухум қўяди. Тухуми цилиндр шаклда бўлиб, янги қўйилгани оқ рангда, камалаксимон товланиб, вақт ўтиши билан тўқ-сариқ тусга айланади. Куртлари тухум ичини кемириб чиқиш учун ўзига тешик очади ва тухумдан 0,1 мм.узунликдаги қурт (личинка) чиқади.

Тухумдан чиққан қуртлар оқиши қулранг бош қисми эса қорамтири рангда (диагностик белги) бўлади. Куртларнинг елка томонида биринчи кўкрак сегментида ярим юмалоқ қора доғ мавжуд. Ана шу белгиси билан у картошка күясидан фарқ қиласди. Ўсимликка асосан қуртлари зарар келтиради. Куртлари 4 ёшни ўтаб озуқага тўйгач, ғумбакка айланади. Биринчи ёш қурт 1,0 мм, иккинчи ёш 2,5–4,0 мм, учинчи ёш 4,5–6,0 мм ва 4 ёш қурт (вояга етган) эса 7–8 мм катталиқда бўлади. Ҳаво ҳароратига қараб, қуртлар 15–20 кунда озиқланишдан тўхтаб, тупроқда, баргининг юза қисмida ёки баъзан заарланган ва ўралган барглар устида ғоваклар орасига ғумбакка кетади.

Ғумбаги: сарғиши-кумушсимон рангда бўлади. Бошқа ҳашаротларнинг ғумбагига нисбатан жуда пишиқ бўлиб, шикастланиши қийин. Куртлар аввалига ипак тўр, сўнг ички қаватини тўқиёдиди. Куртлар 20–26 соат давомида пиллани тайёрлаб ғумбакка айланади. Пилланинг узунлиги 5–6 мм, эни 4 мм. ни ташкил қиласди. Эркагининг ғумбаги, одатда урғочининг ғумбагига нисбатан кичикроқ бўлади.

Манбаларга қараганда, помидор күяси об-ҳаво шароитига қараб, тропик мамлакатларда 11–13, Краснодар ўлкасида (Россия) 3–4, Украина жанубида 4–5 мартағача авлод беради. Ёз мавсумида бир авлоднинг ривожланиши 22–30 кун, қиши мавсумида эса 2–4 ойгача давом этади. Помидор күяси етук қуртлик ёки ғумбаклик ҳолида қишлиайди.



1. Расм: Помидор күяси (*Tuta absoluta*) : 1,2 – капалаклари, 3 – курти, 4 - зарари

Ўзбекистон шароитида помидор күясининг битта авлоди учун (20–25°C) ўртача 22–25 кун вакт керак бўлади. Бунда, тухум – 2–3, курт (личинка) – 8–10, ғумбак – 3–5 ва етук зот эса 5–7 кунда ривожланиши (Данғара туманида) кузатилди.

Иссиқхона ва очик далада помидор күясининг тарқалишини ҳамда зарарини камайтириш учун биринчи навбатда, агротехник ишларни ўз вақтида ўтказиб, биологик ва кимёвий кураш тадбирлари қўлланилса, ҳосил сақлаб қолишга эришилади.



1. Рasm: Помидор күясининг хосилга етказган зарари: 1,2 – зааркунанда хом мевани заарлайди, 3,4 – бундай мева тез қизарыб мазасиз бўлиб қолади, 6- куядан зарар кўрган иссиқхона (Дангарга туман, 2020 й.)

Агротехник тадбирлардан – помидор уругини экишдан олдин кимёвий препаратлар билан дорилаш зарур. Тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олиб, помидор күясига чидамли нав ва дурагайларни қўллаш, уларни илмий асосда жойлаштириш, алмашлаб экишни тўғри ташкил этиш;

- кузги шудгорни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш;
- иссиқхонада мавсум якунланганидан сўнг ўсимлик қолдиқларини маҳсус чукур ва ўраларга кўмиш ишларини ташкил этиш;
- қўчатзорларда помидор күяси ва касалликларга мунтазам тарзда қарши кураш олиб бориш;
- зааркунандалар пайдо бўлишини аниқлаш ҳамда унга қарши кураш учун феромон тутқичлардан фойдаланиш.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, ушбу зааркунандага қарши курашишнинг биринчи шарти – помидор экилган майдонларда итузумдошлиар оиласига кирувчи ўсимликларни ёнма-ён экмаслиқдир. Қолаверса, сабзавотлар экилган майдонларда феромон тутқичлар ёрдамида назорат олиб бориш ҳамда кимёвий препаратлар билан уларга ишлов бериш тавсия қилинади. Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, витаминларга бой ва фойдали озиқ-овқат маҳсулоти бўлган сабзавотларни халқимиз дастурхонига сифатли ва мазали қилиб етказиб бериш учун помидор күяси зааркунандасини бартараф қилиш чораларини ўз вақтида амалга ошириш лозим. Бунинг учун ҳудудлардаги Ўсимликлар карантини давлат инспекциялари ҳамда вилоят ва туманлардаги ўсимликлар клиникаларига мурожаат этиш тавсия этилади.



1. Расм: Помидори күясини башорат қилиш ҳамда унга қарши курашиш мақсадида унинг жинсий феромонини иссиқхоналарда ишлатиш.

Испанияда ушбу зааркунанданинг тухумига ва қуртларига қарши йиртқич қандалалар *Miridae* оиласига кирувчи *Macrolophus pygmaeus* ва *Nesidiocoris tenuis* турлари қўлланилганда 92% биологик самарадорлик олинган.

Ҳозирги пайтда помидор күясининг капалакларига қарши клей суртилган махсус қурилмаларда “тутусан” жинсий феромонлари синов дан ўтказилиб яхши натижаларга эришилди.

Феромон тутқичларни сувли идишларда ҳам қўллаш яхши натижа беради. Бунда феромонни сувли идиш ўртасига махсус қурилмаларда жойлаштирилади. Сувнинг ёпишқоқлигини ошириш учун, идиш ичидаги сувга озгина суюқ совун солинади. Бундай феромонли тутқичларни гектарига 15-30 тадан жойлаштирилса юқори самарадорликка эришилди.

Кимёвий препаратлардан: Капито КС 9,3 % к.э. гектарига 0,45 л, Такуми 2 % с.э.г 0,3 л, Эмамектин бензоат +абамектин 15% с.э.г 0,12-0,15 л, Амплиго 150 м.к.с. 0,4 л, Корал,10% эм.к 0,2-0,4 л, Агроплан 20% С.П 0,4 кг, Бензоат Супер 10% в.д.г 0,15-0,25 кг, Эмафос 42% к.э. 0,5-0,8 л, Удар 30% с.э.г. 0,5 кг/га., Бэллмак 5% с.э.г. 0,4 кг/га., сарф миқдорида қўлланилса юқори самарага эришилди.

Кимёвий препаратлардан фойдаланилганда таъсир этувчи моддаси бир хил бўлган перпаратларни мунтазам қўлланилмаслиги керак, таъсир этувчи моддани

галма-галдан қўлланилади. Акс ҳолда бир ҳил дорини мунтазам 5-6 марта ишлатилганда зааркундаларда дорига нисбатан иммунитет ҳосил бўлади.

Бу вирусли касаллик биринчи марта 2015 йилда Иордания ва Истроилда қайд этилган. Помидор ва қалампирга асосан зарар етказади. Вирус Тобамовирус турига мансуб, жуда тез тарқалиш хусусиятига эга. Вирус ўсимлик баргларида мозаикаларни ҳосил қиласди, барглар ўз ҳолатини ўзгартиради, меваларда жигарранг, ажинли доғлар, мевалар рангсизланади, барглар деформацияланади.

2015- йилда Иордания иссиқхоналарида экилган помидор майдонларида мавсум давомида ўсимлик баргларида деформациялар ҳосил бўлиб, меваларида кучли жигарранг хлороз белгилари пайдо бўлди. Худди шундай касаллик аломнотлари 2014-йилнинг кузида Истроилнинг Оҳад шахрида пайдо бўлган ва бу мамлакатда бир йил ичидаги жуда тез тарқалиш ҳолати кузатилган.

Фаластинда касаллик аломнотлари биринчи марта 2018-йилда кузда кузатилган. Помидор жигарранг вирус касаллиги Истроил ва Иорданиядан бошқа Европа мамлакатларига ҳам тарқала бошлади. Германиянинг 25 та иссиқхона майдонларида 2018 йил июль ойида аниқланди. 2019 йилда касаллик Италияда, 2019 йили Пиемонте минтақасида помидор экинларида пайдо бўлди ва ушбу эпифитопия йўқ қилинди. Калифорния штатида касаллик 2018 йилнинг кузида аниқланди ва Калифорния озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги департаменти томонидан йўқ қилинди.

Касаллик аломнотлари помидор навига қараб енгил ва оғир бўлиши мумкин. Касалликнинг енгил кўринишида мозаикалар ҳосил бўлади, барглар ранги ўзгаради. Касалликнинг оғир кўринишида эса меваларда жигарранг ажин ва доғлар ҳосил бўлиши баробарида меваларнинг сарғайиб кетиши ҳамда барглар ҳолати ўзгариши мумкин.

Касаллик уруғлар, вирус билан ифлосланган асбоблар, кийимлар, механик воситалар орқали тарқалади. Чанганиш вақтида ҳам тарқалиши мумкин. Жигарранг вирус касаллигига чидамли помидор навлари шу кунгача аниқланмаган.

ToBRFV вируси помидорга юқори даражада зарар келтириши туфайли помидор етишириувчи Германия ва бошқа Европа иттифоқи давлатлари учун катта иқтисодий зарар келтиради.

**Қарши қураш чоралари:** Вирус механик воситалар орқали осонлик билан юқиши сабабли ҳар хил сиртларда, узоқ вақт - терида ва қўлқонда камида 2 соат, каттиқ пластмассада камида 3 соат, шиша, алюминий ва зангламайдиган пўлатда камида 1 ой сақланади. Эпифитопия аниқланганда, таъсири камайтирганлиги сабабли иссиқхоналарни тозалаш, ўсимлик қолдиқларини йўқ қилиш, иссиқхона сиртларини ва помидор етишириш учун ишлатилган иш қуролларини заарсизлантириш чоралари кўрилади.



1. Расм: Помидордаги жигарранг барг бужмайиш вирусининг оқибатлари.

Дезинфекцияловчи воситалар жисмлар сиртидаги вирусни йўқотишида самарали фойда беради, лекин фақат бир соатдан кейин таъсир қиласи. Пластик идишлардан вирусни йўқ қилиш учун 90 дақиқа 5°C даражасида иссиқ сувда (70 дақиқа 5°C) намланади ва кейин виркон билан ишланади.

Дунё иқтисодиётида юз бераётган глобаллашув жараёнлари, маҳсулотлар ва хизматлар бозоридаги рақобат муҳитининг кескинлашуви ривожланган хорижий давлатларда ҳимояланган майдонларда сабзавот етиштириш тажрибаларини ўрганиш ва уларнинг аҳамиятли жиҳатларидан фойдаланиш муҳим масалалардан саналади.

Тадқиқот натижаларига кўра, хорижий давлатларда сабзавотчилигини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган тадбирларнинг Ўзбекистонга қўллаш мумкин бўлган қўйидаги жиҳатларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

- замонавий енгил конструкцияли, энергия тежовчи ва муқобил энергия манбалари асосида ишлашга мўлжалланган ҳолда қуриладиган иссиқхона майдонларини кенгайтириш (Белоруссия, Корея ва Хитой тажрибасидан);
- ҳимояланган ер сабзавотчилиги учун уруғчиликни ривожлантириш ва уруғ билан таъминлашнинг самарали усусларини жорий этиш (Нидерландия тажрибасидан);
- ҳимояланган ер сабзавотчилиги маҳсулотлари етиштирувчи барча турдаги хўжалик субъектларига, хусусан, ҳам йирик иссиқхона комбинатларига, ҳам майда оиласиий хўжаликларга ресурс таъминоти масалалари ва давлат томонидан имтиёзлар берилишида бир хил teng шарт-шароитлар яратиш (Туркия, Россия тажрибасидан);
- ҳимояланган ер сабзавотчилиги субъектлари ўртасида ўзаро кооперация алоқаларини ривожлантириш, кооперативлар ва уюшмалар томонидан товар ишлаб

чиқарувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини жорий этиш (Россия, Козогистон тажрибасидан);

Таҳлилларга кўра, дехқон хўжаликлари ва аҳоли томорқалари кўпроқ плёнкали (90,7 фоиз) иссиқхоналарда сабзавот маҳсулотларини етиштиришлари кузатилмоқда. Жами ойнаванд иссиқхоналарни 31,3 фоизи улар улушига тўғри келади. Бу кўрсаткичлар фермер хўжаликлирида ойнаванд 30 фоиз, плёнкали 65 фоиз, хусусий тадбиркорлардада эса ойнаванд 30 фоиз плёнкали 55 фоизни ташкил этмоқда.

Республикада бугунги кунда иссиқхоналарда асосан помидор ва бодринг маҳсулотлари етиштириш бошқа сабзавот турларига қараганда анча ривожланган бўлиб, хўжалик юритиш шакллари бўйича помидорнинг ўртacha ҳосилдорлиги 500 ц/га, бодрингнинг ўртacha ҳосилдорлиги 450 ц/га ташкил этган бўлиб, шундан, дехқон хўжаликлари ва аҳоли томорқаларида помидор 400 ц/га, бодринг 300 ц/га, хусусий тадбиркорлардада эса помидор 600 ц/га, бодринг 900 ц/га тўғри келмоқда. Бундан ташқари дехқон хўжаликлари ва хусусий тадбиркорларда аччиқ қалампир, шарин қалампир ва қулупнай етиштириш ҳам йўлга қўйилганлигига гувоҳ бўлдим.

#### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Аббосов А., Қорабоев М. Сабзавот экинларини экиш ва парваришилаш. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. Тошкент, 2007. - №1.- Б.26.
2. Адашкевич Б.П. /Энтомофаги овощных культур. Афидофаги. - М.: 1975.- 113 с.
3. Адашкевич Б.П. Биологическая защита крестоцветных овощных культур от вредных насекомых. Ташкент. ФАН, 1983.- 200с.
4. Азимов Б.Ж., Хакимов Р.А. – Ўзбекистонда сабзавотчилик, полизчилик, картошкачиликнинг аҳволи, истиқболи ва илмий изланишларнинг асосий йўналишлари. Основные направления исследований. Докл. Междн.научно-практик.конф. –Тошкент: 2003.- С.92-95.
5. Бобобеков К., Ашуралиева Ш.С. Микробиологик препаратларни тўза зааркундаларига қарши самарадорлигини ошириш омиллари. //Ўсимлик зааркундалари, касалликлар ва бегона ўтларга қарши кураш тўпламида. ТошДАУ. - Тошкент, 1995. С.25-26.
6. Кимсанбоев Х.Х., Йўлдошев А., Халилов Қ., Зохидов М. Ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш. –Тошкент:Ўқитувчи,1997.- Б.3-5.
7. Реймерс Н.Ф. Экология. Москва, 1994.
8. Сиддиков И.Р., Холматов С.З. Ўсимлик битларига қарши курашда янги микробиологик дориворлардан фойдаланиш //Ўсимликлар зааркундалари ва касалликларига қарши кураш чоралари. Тошкент: ТошДАУ, 1993. -С.42-48.
9. Сураймонов Б.А., Арипов Ш., Ортиков У.Д., Тожиева М.И., Кимсанбоев Х.Х. Иссиқхона зааркундаларига қарши биологик кураш усулини қўллаш //Қишлоқ хўжалигига экологик муаммолар халқ.илм.амал.анжуман мат.тўплами. -Бухоро, 2003. -